
“ҚОРА ДОРИ – 2020”

Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи трансмиллий гуруҳларни аниқлаш, уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, гиёҳванд ўсимликлар экилишини ва наркомания ёйилишининг олдини олиш борасида махсус комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда кенг қамровли “Қора дори – 2020” тадбири Риштон тумани ИИБ ЖКБ ҳамда ХПБ ходимлари томонидан ҳам ҳамкорликда изчил давом эттирилмоқда.

Аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича ўсимликлардан далилий ашё тариқасида намуналар олиниб, қолган қисми эса ўт қўйиш йўли билан йўқ қилинмоқда. Хозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

«Қора дори-2020» тадбири шу кунларда ҳам Риштон туман ИИБ ходимлари томонидан изчил давом эттирилмоқда. Қора иш, яъни инсон ҳаётига хавф туғдирувчи гиёҳвандлик воситаларини етиштираётган ва бундай моддалар билан савдо қилишни “орзу” қилган кимсалар эса қонун олдида жавоб беради.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-05-17 17:53:45